Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Обунанга 1 сўм 50 тийин. Сотувда — 3 сўм.

1992 йил 1 декабрь, сешанба № 236 (21.334).

ПАХТАМИЗНИНГ БИР МИСҚОЛИ ҲАМ ЕРДА ҚОЛМАСИН!

ҚАДРЛИ ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИ

● Мана пахта мавсуми якунланишига ҳам саноқли кунлар қолди. Кўплаб районлар, Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Фарғона, Андижон вилоятлари пахтакорлари йиллик маррани эгаллаганликлари ҳақида ғалаба рапортига имзо чекишди. Ана шу юзи ёруғ бўлган вилоятларнинг деҳқонларидан ўрнак олинг!

● **Бу йил республикамиз Президентининг Фармонлари ва Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ режадаги пахтанинг 15 фоизи ва режадан ташқари ҳосилнинг ҳаммаси хўжаликлар ихтиёрига берилди. Демак, териб олинган ҳар бир килограмм пахта деҳқоннинг чўнтагига мўмайгина даромад келтиради. Шу боис пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилнинг бир мисқолини ҳам нобуд қилмайлик.**

● Мана қиш ҳам кириб келди. Ҳосилдан бўшаган майдонларни ғўзапоядан тозалаб, шудгорлаб қўйиш айни кундаги долзарб вазифалардан биридир.

● **Чорвадорлар учун масъулиятли палла — қишлов бошланди. Бундан буён жамғарилган ем-хашакдан тежаб-тергаб фойдаланиш. чорва молларини, қўй-қўзиларни қишдан семиз ва дуркун олиб чиқиш учун барча жойларда масъулиятни кучайтириш зарур. Зеро эл дастурхонини тўкин қилиш учун айни дамларда ғайрат-шижоат кўрсатиш керак.**

ИБРАТ КЎРСАТИБ

Айни кунларда жумҳуриятимизнинг барча хўжаликларида пахта йиғим-терими давом эттирилмоқда. Минглаб хўжаликлар йиллик режаларини бажарганликларига қарамай пахтанинг сўнгги мисқолларини ҳам нобуд қилмаслик учун ҳаракат қилишяпти.

Андижон вилоятининг Жалолқудуқ райони республикамизнинг шимолий пахта етиштириладиган масканларидан биридир. Устигаустак бу йилги кўклам пахтакорлар учун ноқулай келди. Қаттиқ жала, сел ёғиши туфайли пахтани бир неча марта бузиб экишга тўғри келди. Шунга қарамай далаларда мўл ҳосил етиштирилди. Жалолқудуқлик пахтакорлар эл хирмонига йигирма тўққиз минг тоннадан знёд хом ашё етказиб беришди. Район пахтакорларининг бу ғалабасида механизаторларнинг, айниқса чевар теримчиларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Райондаги «Қўштепа» жамоа хўжалигининг олтинчи бригадаси илғор теримчиси Дилоромхон Комилова ана шундай пешқадам чеварлардан. У мавсум давомида кунига 100—100 килограммдан пахта териб хирмонга тўкди.

Суратда: Дилоромхон Комилова.

О. КОМИЛОВ олган сурат.

ПЕШКУЛИКЛАР ЗАФАРИ

● **Улар маррага вилоятда 3-бўлиб етиб келишди. 9630 гектарли майдоннинг пахтаси 32 минг 700 тонна бўлди. Ҳосилдорлик гектарига ўртача 34 центнердан тўғри келди.**

Йил енгил келмади Табиий офат бисёр бўлди. Бироқ улар уюшқоқликка, сафарбарликка, юксак интизому чуқур масъулиятга қаттиқ суянишди.

Еш раис Убайдулла Маҳмудов ғайрати дарҳол сезилди. У етакчилик қилган Йўлдош Эргашев номли жамоа хўжалиги районда илғор бўлди. Баракаси ўзларига буюрсин, режадан ортиқ 4 минг тонна пахта топширишди. Ҳосилдорликни ҳам рекорд даражага чиқариб қўйишди. Гектарига 43 центнердан олганлар бор.

Районда «Пешқу», «Варахша» давлат хўжаликлари, «Янгиобод», «Бухоро» ва «Маданият» сингари жамоа хўжаликлари ҳам оғир йилнинг ғалабасига барвақтроқ мушарраф бўлдилар. Бунда ушбу хўжаликлардаги кўпмингкилограммчи теримчилар Қурбонгул Нўмонова, Зиннат Аъзамова, Дилфуза Қудратова ва Кимё Ражабоваларнинг улуши кўпларни ҳайратда қолдирди. Уларнинг ҳар бири 10 тоннадан пахта теришди.

С. ҚОДИРОВ,

Бухоро вилояти.

БАРЧА СОҲАДА ЮТУҚ

Ғўза сусткашлик ва эътиборсизликни хушкўрмайди. Бир кун қаровсиз қолса, бас, ҳосилга путур етади. Шунинг учун деҳқон унинг атрофида парвона бўлиши, у билан тиллашиши, дардлашиши керак. Шундай қилмаган деҳқон кузда панд еб қолади. Буни яхши англаган хўжалигимиз аъзолари пахтага меҳр қўйиб, қалб қўрини аямадилар.

Натижа кутилганидан зиёда бўлди. Мўл ҳосил етиштирилди. Биз мана шуни кутган эдик. Ҳамма белига этак боғлаб далага чиқди. Ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб олиш учун курашди. Ҳар гектардан 34 центнердан ҳосил олиб, йиллик режани бажардик. Давлатга мўлжалдагидан 42 тонна кўп пахта сотдик. Бу — хўжаликнинг ўз ихтиёрида қоладиган дурдона.

Хўжалигимизда даромад кўпайди. Дастлабки ҳисоб-китоблар жами даромад 75 миллион сўмни ташкил этишини кўрсатяпти. Шундан 40 миллион сўми пахтадан. Режадан ортиқча топширилган пахтага эса 21,5 миллион сўм қўшимча даромад оламиз.

Бошқа соҳаларда ҳам ютуқларимиз кўп. 240 тонна дон, 438 тонна сабзавот, 100 тонна мева, 100 тонна полиз маҳсулоти, 25,5 тонна узум, 9 тонна жун, 29,5 тонна пилла тайёрланиб, бу соҳалар топшириқлари ортиғи билан уддаланди.

Қишлоқ меҳнаткашларининг маданий савиясини оширишга алоҳида эътибор беряпмиз. Иқтисодий тангликни иноватга олиб хўжалигимиз ҳисобидан келаси йил учун «Ўзбекистон овози» газетасига 60 нафар уруш ва меҳнат фахрийларини, илғорлар, идора, дала шийпонлари, болалар боғчалари, мактаблар учун бепул обуна қилдик.

Солижон МАНСУРОВ,
Шаҳрихон районидаги «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалигининг раиси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИНИНГ МУҚОБИЛ ВАРИАНТЛАРИ

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОН!

ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯМИЗ ЛОЙИҲАСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ БЎЛМИШ БАЙРОҚ, ГЕРБ БИЛАН БИРГА МАДҲИЯГА ҲАМ АЛОҲИДА АҲАМИЯТ БЕРИЛГАН. ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИ МАЪНАВИЙ ЖИҲАТДАН ТАСДИҚ ЭТАДИГАН, ФУҚАРОЛАР ҚАЛБИДАГИ МИЛЛИЙ ҒУРУРНИ ИФОДА ҚИЛАДИГАН ВА УЛАРНИ РУҲАН ЖИПСЛАШТИРАДИГАН ЖУДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛИШИ ЛОЗИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ ОЛДИДАН БУГУН ГАЗЕТАМИЗНИНГ ИККИНЧИ САҲИФАСИДА МАДҲИЯНИНГ МУҚОБИЛ ВАРИАНТЛАРИ БИЛАН ТАНИШАСИЗ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАЪЛИМ ОЛАЁТГАН АФҒОНИСТОН ИСЛОМ ДАВЛАТИ ФУҚАРОЛАРИ ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси республикамиз ўқув юртларида таълим олаётган Афғонистон Ислом давлати фуқаролари тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорда икки давлат раҳбарларининг расмий учрашув якунларига амал қилган ҳолда таълим соҳасида давлатлараро дўстона муносабатларни қарор топтириш, хусусан, Афғонистон Ислом давлатига миллий кадрлар тайёрлашда ёрдам кўрсатиш лозимлиги таъкидланган.

Афғонистон Ислом давлатининг Ўзбекистон ўқув юртларида шартномасиз таълим олаётган ўқувчиларини 1992 — 1993 ўқув йили охирига қадар, етим ўқувчиларни эса муайян касбни эгаллашга қадар текин ўқитишга рухсат берилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, халқ таълими вазирликлари, тегишли ўқув юртларида Афғонистон Ислом давлатидан келган ўқувчиларнинг пухта билим олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш чораларини кўришлари керак.

Ҳунар-техника билим юртида ва интернат мактабда таълим олаётган афғонистонлик етим болаларнинг ўқиши ва яшаши учун сарфланадиган харажатлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган етим болалар учун белгиланган миқдорга тенглаштирилади.

● *ХДП ҳаётидан*

ЛОЙИҲА МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНДИ

● НАМАНГАН

Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгашининг учинчи пленуми бўлиб ўтди. ХДП вилоят кенгашининг бир йиллик ҳисоботи ва Ўзбекистон республикасининг Конституцияси лойиҳаси тўғрисидаги масалалар юзасидан вилоят кенгашининг биринчи котиби Б. Аҳадов маъруза қилди. Маъруза ва музокаларда таъкидланганидек, ўтган даврда вилоят партия ташкилоти кўплаб хайрли ишларнинг ташаббускори бўлиб майдонга чиқди. Масалан, «Наврўз» байрами арафасида партия ташкилоти ташаббуси билан «Меҳр—мурувват ҳафталиги» ўтказилди. Бу ташаббусни вилоят ҳокимлиги маъқуллади ва у кенг қулоч ёйди.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Конституция лойиҳаси юзасидан сўзга чиққанлар асосий Қонуннинг янги таҳрирдагиси аввал билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида бойитилганлиги, кўпгина моддалар мазмуни яхшиланганлигини эътиборга олиб, уни тўла-тўкис маъқуллаётган.

Пленумда ташкилий масала ҳам кўрилди. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари О. Бозоров ХДП вилоят кенгаши ижроия бюроси аъзоси этиб сайланди.

● ФАРҒОНА

Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Пленумда вилоят шаҳарлари ва районлари ҳокимлари, меҳнат ва уруш фахрийлари, партия фаоллари қатнашдилар.

Пленум қатнашчилари ЎзХДП Фарғона вилоят кенгашининг биринчи котиби А. А. Мирсалимовнинг «Ўзбекистон республикаси Конституцияси лойиҳасининг бошланғич партия ташкилотлари, меҳнат жамоаларида, шаҳар ва район партия кенгашларида бўлиб ўтган муҳокамасининг дастлабки якунлари тўғрисида»ги маърузасини тинглаб муҳокама этдилар.

Пленумларда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг иккинчи котиби М. Қирғизбоев қатнашди ва нутқ сўзлади.

А. МАДАТОВ,
А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

ОММА БИЛАН ҲАМНАФАС

● **Бу гал район партия кенгаши ижроия бюросининг кўчма йиғилиши туман марказий касалхонасида ўтказилди. Бунинг сабаблари бор. Қамаши районида аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш билан боғлиқ ишларда кейинги пайтларда жиддий нуқсонларга йўл қўйилаётир.**

Район соғлиқни сақлаш муассасаларида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар кенг муҳокама этилди. Районда 146 ўринли болалар касалхонаси ва 150 ўринли поликлиника ишлаб турибди. Бундай қараганда соғлиқни сақлаш муассасалари етарлидир. Лекин касаллик, айниқса, болалар ўртасида хасталиклар олди олинмаяпти.

Муҳокама чоғида район марказий касалхонасига қарашли туғруқхонадаги камчиликлар очиб ташланди. Туғруқхонада беморларга тиббий хизмат кўрсатиш талаб даражасида эмас. Ўринлар етишмайди. Етарли маблағ ажратилмаганлиги сабабли дори-дармон таъминоти ҳам ўлда-жўлда. Бундай аҳвол аёллар ва болалар шифохоналарида ҳам мавжуд.

Район кенгаши бюроси район хайрия жамғармасидан 20 минг сўмни туғруқхона бўлимини жиҳозлашга ажратишга қарор қилди.

Райондаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга амалий равишда киришилганлиги эътиборга лойиқ. Бу партия обрўсига обрў қўшмоқда. Унинг омма орасидаги нуфузини оширмоқда. Энг муҳими, партия ташкилотлари қишлоқ меҳнат аҳли турмушини яхшилаш билан боғлиқ масалаларни атрофлича кўриб чиқмоқдалар.

Район кенгаши ташаббуси билан шу йил март ойида хайрия фонди ташкил этилган эди. Фондга ҳозиргача 200 минг сўмча маблағ келиб тушди. Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Партия аъзоларини шанбаликларга жалб этиш, ҳар хил тадбирлар ўтказиш эвазига фонд бойиб бормоқда. Бу иқтисодий тангликнинг даврида партия кенгашига асқотди. Бу маблағлар хайрия ишларига сарфланаётир. Жумладан, вилоят ва район меҳр-шафқат фондига 40 минг сўм, ногиронлар ва қаровчисини йўқотган ва кўп болали оналарга 35 минг сўм, табиий офатдан зарар кўрганларга 10 минг 700 сўм, партия фахрийларига 7 минг сўм берилди. Яқинда 4 минг сўмга 1993 йил учун партия ва меҳнат фахрийлари «Ўзбекистон овози» газетасига обуна қилинди.

— Озми-кўпми халққа далда бўлолсак, бу бизнинг ютуғимиз, — дейди район партия кенгашининг биринчи котиби Жаббор Расулов. — Ҳали амалга оширадиган ишларимиз кўп. Омма орасига чуқурроқ кириб борсакина уларнинг бажарилишини таъминлай оламиз.

М. ҚАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДАРОМАДГА ҚАРАБ БУРОМАД

● **Шоёт дон маҳсулотлари комбинати маъмурияти, Халқ демократик партияси бошланғич ташкилоти меҳнат аҳлига кенг иш жабҳаси яратиб бериш йўли билан уларни бозор иқтисодиёти қийинчиликларидан самарали муҳофаза қилмоқда. Бу ерда ишчи-хизматчиларнинг ўртача ойлик маоши беш минг сўмдан ошиб кетди.**

— Бултур йил давомида жумҳуриятимизнинг савдо тармоқларига 35600 тонна ун тайёрлаб жўнатган эдик. Амалдаги йилда эса ҳозиргача бу кўрсаткич 43192 тоннани ташкил этди, — дейди корхона директори Матвафо Шодонов. — Бу комбинатда меҳнат унумдорлиги анча ошганлиги, жиҳоз ва механизмлардан унумли фойдаланилаётганлиги натижаси, албатта.

Ўз вазифасига юксак талаб ва масъулият билан ёндашаётган жамоа унга айлантирилаётган буғдойнинг ҳар тоннасидан 82 фоиз, оқланаётган шолидан эса қарийб 65 фоиз соф маҳсулот олишга муваффақ бўляпти. Бу — ўз навбатида корхона олаётган фойда миқдорини оширишга хизмат қилмоқда. Жорий йилнинг ўтган ойлари давомида 9 миллион сўм миқдорида соф фойда олишга эришилди.

Комбинат яқинда район хўжаликларидан 3300 тоннадан ортиқ шоли, 700 тоннадан знёд кузги буғдой ҳосили қабул қилиб, бу борада белгиланган топшириқларни ошириб бажарди. Корхонанинг Қўшкўпир тайёрлаш пункти 1800 тонна ўрнига 2000 тонна шоли қабул қилиб олди. Тармоқ вазирлиги белгилаган тақсимотга кўра Янгийўл, Қўқон, Жиззах, Наманган, Избоскан ва бошқа шаҳарларга 18 вагон гуруч, икки вагон гуруч уруғи (оқшоқ), омухта ем учун 400 тонна кепак жўнатилди.

Дарвоқе, омухта ем эндиликда комбинатнинг ўзида тайёрланиб чиқарилади. Бунинг учун корхона маъмурияти Новороссийск шаҳридан уч миллион сўмга маҳсус жиҳоз ва агрегатлар сотиб олди Бу цех келгуси йили фойдаланишга топширилади.

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ҚЎМИТАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари Қўмитаси 1993 йилги Ҳамза номли Давлат мукофотини олиш учун танловга қуйидаги номзодлар тақдим этилганини маълум қилади:

АДАБИЁТ СОҲАСИДА

1. Саъдулла СИЕЕВ — «Мажнунтолнинг навдаси» насрий китоби.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан тақдим этилган.

2. Азим СУЮН — «Куйганим — суйганим» шеърий тўплами.

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси томонидан тақдим этилган.

3. Тўлан НИЗОМ — «Муқаддас руҳ» шеърий китоби.

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси ва Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан тақдим этилган.

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА

1. Абдурашид НУРМУРОДОВ — «Қонли йўргаклар» китоби.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ёшлар сиёсатига доир Қўмитаси ва Ўзбекистон жумҳурияти Афғон фахрийлари иттифоқи томонидан тақдим этилган.

ТЕАТР СОҲАСИДА

1. Шуҳрат РИЗАЕВ — драматург, **Афзал РАФИҚОВ, Элёр НОСИРОВ, Ҳожиакбар НУРМАТОВ, Ҳошим АРСЛОНОВ, Муножот ТЕШАБОЕВА** — бош роллар ижрочилари. Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театри саҳнасида қўйилган «Искандар» спектакли.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги томонидан тақдим этилган.

2. Тўра МИРЗО — драматург, **Баҳодир НАЗАРОВ** — саҳналаштирувчи режиссёр, **Садриддин САЛИМОВ** — бош рассом, **Омон БЕГАНЧИЕВ, Ҳусан АМИРҚУЛОВ** — Амир Темур роли ижрочилари, **Лола ХОЛИҚОВА** — Бибихоним роли ижрочиси.

Муллатўйчи Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилояти театри саҳнасида қўйилган «Амир Темур» спектакли.

Қашқадарё вилояти Маданият ишлари бошқармаси ва Қарши шаҳар тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси томонидан тақдим этилган.

МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДА

1. ХУЖАЕВ Асадулла Ашрабович (раҳматлик) — меъморчилик-қурилиш комплекси раҳбари, **РОЗАНОВ Евгений Григорьевич** — муаллиф ва муаллифлар гуруҳи раҳбари, **ТУРСУНОВ Фарҳод Юсупбоевич** — муаллиф, **ҲАБИБУЛЛАЕВ Мухтор** — қурувчи, **НАЗАРОВ Музаффар Нуритдинович** — Меъморчилик Комплекси қурилишининг бадиий-технологик жиҳозлаш ва ундан фойдаланиш ишлари мутаасддиси.

Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройи меъморчилик комплекси.

Ўзбекистон Меъморлар уюшмаси томонидан тақдим этилган.

Адабиёт,санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари Қўмитаси 1993 йилги Ҳамза номли Давлат мукофотига тақдим этилган асарлар рўйхатини кенг жамоатчилик муҳокамасига қўймоқда. Бундан мақсад, мазкур асарлар ҳақида матбуотда, телекўрсатув ва радио эшиттириш орқали, шунингдек жамоатчилик вакиллари, мутахассислар, китобхонлар ва томошабиларнинг холис ва ҳаққоний фикрларидан хабардор бўлиш ва уларни ҳисобга олишдир. 1993 йилги Ҳамза мукофотлари сони аввалги йиллардагидек олтита эмас, балки учта эканлиги албатта инобатга олиниши зарур. Айни пайтда, қуруқ мақтовлар эмас, балки асарнинг ижобий ёки салбий жиҳатларини халоллик билан кўрсатиб берган адолатли фикрларгина умумий ишимизга ёрдам беришн мумкин.

Шунинг учун ҳам Қўмита муҳокама этиш ва асарни баҳолаш хайрихоҳлик ва юксак талабчанлик руҳида олиб борилади, деб умид қилади. Муҳокамада қатнашадиган барча ташкилот, жамоа вакиллари, мутахассислар, адабиёт ва санъатимиз мухлислари ҳамда бошқа ўртоқларга бу муҳим ва олийжаноб ишга қўшажак ҳиссаларн учун олдиндан миннатдорчилик билдирамиз.

Ўз таклиф ва мулоҳазаларингизни Қўмита номига қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз: Тошкент шаҳри — 700003, Туроб Тўла кўчаси, 1, 217-хона; тел. 45-72-46, 45-75-25.

ЛОЙИҲА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИНИНГ МУҚОБИЛ ВАРИАНТЛАРИ

Бугун эълон қилинаётган Ўзбекистон Давлат мадҳиясининг бу уч варианти халқ депутатлари ва кенг жамоатчиликнинг эътиборига тақдим этилмоқда. Олий Кенгаш сессияси арафасида депутатлар ва жамоатчилик томонидан билдириладиган таклифлар, Олий Кенгашда бўлажак фикр-мулоҳазалар мустақил Ўзбекистонимизга муносиб Давлат мадҳиясини яратиш ишига ёрдам бериши шубҳасиздир. Келтирилган вариантларга нисбатан муносабатингизни ёзма равишда Олий Кенгашнинг Миллатлараро муносабатлар, тил ва маданият қўмитасига юборишингизни ёки 39-86-08, 39-87-22 телефонлари орқали билдиришингизни сўраймиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Миллатлараро муносабатлар, тил ва маданият қўмитаси ва Ўзбекистон Давлат мадҳиясини тайёрлаш бўйича тузилган ишчи гуруҳи.

1

Бахтиёр АЛИЕВ мусиқаси



Абдулла ОРИПОВ сўзи



Минг йиллар қаъридан келар карвонинг,
Ҳақ йўлга бошлайди одил иймонинг.
Жаҳонда ягона Ўзбекистонсан,
Маърифат, истеъдод бўлгай сарбонинг.

Оқар дарёларинг ҳайқириб оқсин,
Қуёшдек порлаган бахт кулиб боқсин.
Дўстга дўст, бағри кенг яшнаган диёр,
Сенга ҳам то абад тангри бўлсин ёр!

Ватанга посбондир фарзандлар ҳушёр,
Истиқлол сен учун мангу барқарор.
Инон ўз кучингга, Ўзбекистоним,
Қудратли аждодлар руҳи сенга ёр!

Оқар дарёларинг ҳайқириб оқсин,
Қуёшдек порлаган бахт кулиб боқсин.
Дўстга дўст, бағри кенг яшнаган диёр,
Сенга ҳам то абад тангри бўлсин ёр!

2

Рустам АБДУЛЛАЕВ мусиқаси



Мирпўлат МИРЗО сўзи









Уйғонар чўққилар устида офтоб,
Ям-яшил водийга сочиб олтин нур.
Ўзбеклар юрти бу — навқирон, озод,
Заминда музаффар ўлкасан, мағрур!

НАҚОРАТ:

Қўлларни қўлларга
Озод Ватан учун берайлик!
Эллардан элларга
Ҳур диёр шуҳратин тарайлик!

Сўнмас руҳимизда матонат асло,
Туркистон наслимиз, меросдир бардош.
Азалдан қалбларда ўчмаган зиё,
Барҳаёт сиймолар сенга бўлди бош.

НАҚОРАТ:

Бизни тангри қўллар, дунёлар чорлар,
Тарк этмас истиқлол энди умрбод.
Қалбларда ҳаётга муҳаббат порлар,
Муқаддас тупроқни этурмиз обод.

НАҚОРАТ:

3

Мутал БУРҲОНОВ мусиқаси



Абдулла ОРИПОВ сўзи



Серқуёш, ҳур ўлкам, элга бахт, нажот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!
Яшнагай то абад илму фан, ижод,
Шуҳратинг порласин токи бор жаҳон!

НАҚОРАТ:

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!
Истиқлол машъали, тинчлик посбони,
Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

НАҚОРАТ:

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

• *Халқ таълими: изланиш самараси*

ИЖОДКОРЛИК КУЧИ

Халқ таълими соҳасида шундай жонкуярлар борки, улар мураккаб муаммоларни дадиллик билан ижодкорона ҳал қилиш йўлидан боряптилар. Юнусобод районидаги 273-лицей директори Мавлуда ИСМАТОВА ана шундай фидокорлардан. У ўзи раҳбарлик қилаётган мактабда таълимнинг мураккаб муаммоларини ҳал этиш, халқ фарзандларини замон талаби асосида тарбиялаш учун изланмоқда. Ёзувчи Туроб МАҚСУД у билан учрашиб, суҳбатлашди.

— Гапнинг очиғи, шу давргача мажбурий ўрта таълимни ихтиёрий қилдик, бу социализмнинг ғалабаси, деб ўзимизни ўзимиз алдаб келдик, — деб сўз бошлади суҳбатдошимиз. Аслида ҳаддан ташқари бир хилликнинг қурбони бўлиб болаларимизнинг тўғри камол топиши учун тўла шароит ярата олмадик. Шунинг учун ўрта мажбурий таълим берамиз, деб ёшларнинг умрини ўтказмасдан тезроқ уларни ўзи қизиққан соҳага йўллаш керак. Бу ишни ўрта мактабда бемалол амалга оширса бўлади. Ана шунда тўлиқсиз ўрта маълумот олган ёшлар ораисарсон бўлмайдилар, мактаб имкониятидан эса чуқурроқ, кенгроқ фойдаланамиз.

Халқ маорифи жонкуярларидан бири, Тошкент шаҳридаги 273-лицейнинг директори Мавлуда Исматова.

МУАЛЛИФ олган сурат.

— Лицейда имтиҳон асосида қабул қилинган ўқувчилар маълум ихтисосга йўналтириладими?

— Тиббиёт гуруҳи кимё ва биология, педагогика гуруҳи педагогика, психология ва ижтимоий техник йўналишдаги синфлар эса физика, математика фанларининг чуқур ўзлаштирилишига қаратилган. Бизда саккиз соатли дастур юзасидан чуқур билим берилади. Назариянинг амалиёт билан боғланиши, эшитган, кўрган, ўрганган билимини амалиётда қўлланиши айни шу синфларда ўз ифодасини топган. Дарсга кирсангиз келажакка қизиқувчан, билим сари интилувчан ёшларга дуч келасиз. Уларга сабоқ бериш учун эса ўқитувчи ўз фанининг устаси, билим доираси кенг, ҳозиржавоб устоз бўлмоғи лозим.

— Лицейдаги ҳамма ўқитувчи кадрлар ҳам ана шу талабга жавоб беришадими?

— Лицейда 1310 нафар ўқувчига 98 ўқитувчи таълим-тарбия беради. Уларнинг 21 нафари олийгоҳ фан докторлари, фан номзодлари, катта ўқитувчилардир. Аксар педагоглар ўз фанининг устаси, тинмай изланувчан мураббийлардир.

— Битта мактабда бир неча мутахассисликка ажратилган таълим-тарбия бериш қийинчилик туғдирадими?

— Ҳа, албатта, бу масалани амалга ошириш мактаб раҳбарининг зиммасига катта масъулият юклайди. Аммо инсон тақдирига масъуллик ҳар қандай қийинчиликка бардош беришни тақозо этади. Мен шу синфларга адабиёт фанидан дарс бераман. Биласизми, сизни диққат билан тинглаётган, келажакка интилувчан ҳар бир ёшнинг боқиши кишини руҳлантириб юборади... Дарс таҳлилига кирар эканман, олийгоҳ ўқитувчиларининг ўтказаётган суҳбат, лекция, конференция, зачёт ва конкурс дарсларини кўриб ҳаяжонланаман, чунки ўқувчилар учун зерикишга ўрин йўқ.

— Ўқувчиларнинг бу қизиқиши фақат ўқув жараёнидами! Синфдан ташқари ишларнинг ташкил этилишига қандай эътибор берилади!

— Лицейимизнинг катта мажлислар зали доим ўқувчилар, ота-оналар, фаол жамоатчилик билан гавжум. Ўқувчиларнинг биронтаси мактабдан четда қолиб ножўя ҳаракат билан шуғулланмайди, чунки синфдан ва дарсдан ташқари ишларга талаб кучли. Бирор соат дарс беҳуда кетмайди. Махсус синф ўқувчилари эса ҳам ақлий, ҳам ахлоқий, ҳам эстетик тарбияни ўзида мужассамлаштиради. Ҳар ҳафтанинг жума, чоршанба кунлари мактаб кинозали ўқувчилар билан гавжум бўлади. Болаларимизнинг шаҳар кино театрларида юришига ҳожат йўқ. Махсус гуруҳларимизнинг ўз йўналишлари бўйича қизиқиши, қобилияти уларни саҳна кўрсатувига етаклайди. Шифокорликни орзу қилган ўқувчилар гуруҳининг врачлик касбини эъзозловчи саҳна кўринишларини томоша қилар эканмиз, уларнинг амалиётда кўрган ҳаётий воқеалари киши кўз ўнгида намоён бўлади. Педагогика гуруҳларининг чиқиши эса устоз-мураббий изидан бораётган, таълим-тарбиянинг айрим ўринларига ҳам эътибор билан қараётган ўқувчи ёшларнинг келажакка бўлган ишончини кўз ўнгимизда яққол намоён қилади. Махсус гуруҳлар ташкил этаётган бундай кўрсатувлар, шоир ва олимлар, институт ўқитувчилари билан бўлган учрашувлар, мулоқот кечаларию кексаларнинг давра суҳбатлари ёшларда катта қизиқиш уйғотяпти.

— Ўқитувчиларнинг берган билимлари ҳар бир мактабдаги сингари умумий тарзда синаб кўриладими!

—Йўқ, ҳар чорак охирида ҳар бир фан бўйича ҳар бир ўқитувчи синов, зачёт усулларидан фойдаланиб ўқувчининг ўзлаштиришини синаб кўради. Бунда айниқса, ўқувчидаги руҳий ўзгаришни айтмайсизми? Улар гўё ўзларини институт талабасидек ҳис этадилар. Мактаб лицейга айлантирилганидан бери ўқувчилардаги ўзгариш, улардаги вазминлик, келажакка ишонч мактаб таълим-тарбиясида ўзининг ифодасини топмоқда. Танаффус вақтида ҳатто болаларнинг югуриши, шовқини, ножўя ҳаракати ҳам сезилмайди. Иш фаолиятимни 1961 йил мактабнинг бошланғич синфида ўқитувчиликдан бошлаганман. Мактабдан фан докторлари, жамиятимизнинг етук олимлари, ажойиб мутахассислар етишиб чиққан. Аммо ҳамон ёш лар ўртасида чипқондек кўпайиб бораётган жиноятчилик мен сингари ҳар бир раҳбарни безовта қилиши шубҳасиз. Мен бу борада уларни ўзи севган машғулот билан банд қилиш керак, деб ўйлайман.

Инсон тақдири, жамиятимиз тақдири ҳақидаги ўйларим 1990—1991 ўқув йилида мактабдаги таълим-тарбияни янгича усулда бошлашни тақозо этди. Ҳар қанча қийинчилик бўлса ҳам, мен ўз олдимга бир мақсадни қўйдим. Мактабни тугатган ҳар бир ёш маълум даражада мутахассис бўлиб чиқсин! Биринчи ишни шаҳримиздаги II Тошкент тиббиёт институтидан бошладим. Бизни очиқ чеҳра билан кутиб олган ўқув ишлари бўйича проректор марҳум Марат Даминовнинг гапимга эътибор бериши, ёш авлод тақдирига бўлган қизиқиши мени янада руҳлантириб юборди. Ўшанда гўё ўқувчиларим шу куниёқ талаба бўлаётгандек туюлганди. Кўйингчи, шу йили II ТошМИ, СамПИ ва иккита педагогика билим юртлари билан шартнома тузишга муваффақ бўлдим. Бўлаётган танлов имтиҳонидаги ҳаяжонлар, ўтолмаганларнинг ўкиниш ҳисси мени қийнарди. Тиббиёт, педагогика синфлари билан бирга ишчи касбини эгалловчи техник йўналишдаги синфларни ҳам очишга аҳд қилдим. Собир Раҳимов районидаги 25-ҳунар-техника билим юрти билан боғландим. Ниҳоят, бўёқчилик ва машинасозлик касблари бўйича ихтисослаштирилган синфлар очишга киришдик. Бу соҳаларга қизиқувчи ёшлар ҳам кўп экан. Қирқ икки нафар ўқувчи 25-ҳунар-техника билим юрти ҳисобидан мактабда ўқиб, 3—4 разрядли диплом эгаси бўлди.

Мактабимизга бўлган қизиқиш, ишонч ҳисси иқтидорли ёшларни райондагина эмас, балки шаҳар миқёсида ҳам жалб этмоқда. Мактабимизнинг Юнусобод районига жойлашганига қарамай Чирчиқ, Сирғали, Қорасув, Қорақамиш даҳаларидан келиб ўқийдиган ёшлар жуда кўп. Лицей гуруҳида дарс берувчи ўқитувчиларнинг ойлиги бошқаларга қараганда 15 фоиз юқори тўланади. Бу маблағни мактаб ҳомийлари, Юнусобод райони мева ва сабзавотчилик улгуржи савдо комбинати, «Узбексельмаш» заводи, Болалар фонди қошидаги «Орзу» фирмаси беришади. Ютуқларимизни борган сари бойитиб, иш услубимизни янгилик сари ўзгартиришга ҳаракат қиламиз.

СЎНГГИ ЧАНОҚЛАР

Гарчи Қашқадарё вилояти йиллик режани бажарган бўлса ҳам кўпгина хўжаликларнинг миришкорлари пешона тери эвазига етиштирилган «оқ олтин»нинг сўнгги чаноқларини ҳам нобуд қилмай йиғиштириб олишга ҳаракат қилмоқдалар. Усмон Юсупов районидаги Рўзимат Ғойибов номли давлат хўжалигининг Норжон Ҳайитова етакчилигидаги бригадаси аъзолари йиллик режани аллақачон уддалаб қўйишганди. Улар ҳосилдорликни 26 центнерга етказиб, ялпи хирмонни 52 тоннадан оширишди. Уларнинг нияти—ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни 30 центнерга етказиш. Шу боис далаларда сўнгги мисқолларни ҳам йиғиштириб олиш давом эттирилмоқда. Юқоридаги суратда: бригада бошлиғи Норжон Ҳайитова пахта хирмонида.

Шу райондаги «Миришкор» давлат хўжалигининг биринчи бўлими деҳқонлари пахтанинг асосий қисмини «зангори кема»лар ёрдамида йиғиштириб олишди. Айниқса Иброҳим Аслонов бошлиқ бригада механик-ҳайдовчиси Ғанишер Аслонов бу борада кўпчиликка ибрат бўлди. У пахтани тез ва соз терганлиги учун кўпчиликнинг олқишига сазовор. Мавсум бошлангандан бери ўз машинаси бункеридан 150 тонна пахта териб тўкди. Бригада эса ҳар гектар ердан 25 центнердан хирмон кўтариб маррани эгаллади. Пастдаги суратда: бригада бошлиғи Иброҳим Аслонов ва механик-ҳайдовчи Ғанишер Аслонов.

Б. ИСМОИЛОВ олган суратлар

• *Ажаб савдолар*

МОЛ ЭГАСИГА... ГЎШТ ТЕГМАСА-Я?

ДЕНОВ ҲОКИМИ ҳузурига кирган чол олдин томоқ қириб олди, сўнг «Ульянув»данман (Ульянов номли колхозданман демоқчи. Ҳозир бу хўжалик «Денов» номи билан юритилади), ҳам уруш, ҳам меҳнат фахрийсиман, отим Бердиев Маматқул, деб ўзини таништирди.

— Ҳа, ҳа, эшитаман, — деди ҳоким Эшмурод Турдалиев.

Чол ҳокимнинг бир алақандай қоғозларга, бир ўзига қараб олаётганидан кўнгли тўлмади шекилли, яна томоқ қирди.

— Яхшилаб эшитаман, десангиз, гапираман...

— Ҳа, ҳа, эшитаман, — деди ҳоким чолнинг юзидаги бамаъни салоҳиятга эътибор қилиб. — Гапиринг.

— Гап бундай. МЭЗ (Деновдаги мой оқлаш заводи) бизга шелуха сотмаяпти. Ҳукуматимиз нима деяпти? Одамларга ем сот, хашак сот, деяпти. МЭЗ аксини қиляпти, сотмаяпти. Унинг каттасига айтинг, бизга—одамларга шелуха сотсин. Бултурлар сотарди. Бу йил эса йўқ...

— Мен Раҳим Раҳмоновичга—МЭЗнинг директорига аҳолига шелуха сотинг, деб айтганман. Лекин сотиш учун ҳоз, баланддан рухсат беришмаган экан. Бозор фондига шелуха ажратилмаган. Шунинг учун...

— «Баланд» деганингиз ким, болам, — деди чол ҳокимга бир стул яқин сурилиб.

— «Баланд» — Тошкентда. «Узпищснаб»... Ўшалар нима дейишса... шуни бажарамиз.

— Сиз-чи? Сиз нима деб ўтирибсиз бу ерда, — деди Маматқул бобо бир маромда гапириб. Пищснаб-мишснаб деган идораларга биз тушунмаймиз. Сиздан ўтиб Термизга ё Тошкентга чоп-чоп қилишни ўзимизга эп кўрмаймиз. Биз учун пищснаб ҳам, Тошкент ҳам — сиз ўзингиз. Мен сизга расчўт билан келганман, болам. Шаҳримиздаги заводда йилига 90 минг тонна шелуха ишлаб чиқарилса-ю, шундан одамларга бир кило сотилмаса. Пахтани ким экади? Биз экамиз. Уни ким териб олади? Биз териб оламиз. Чигитни ким ишлайди? Биз ишлаймиз. Нега, мол эгасига гўшт бўлмайди? (Сурхондарёда «мол эгасига... гўшт йўқ» деган ибора бор. Ўзининг молини сўйиб сотиб, гўштидан қуруқ қолган одамнинг алам устида айтган гапи).

— Ҳа, ҳа, бўлди. Сиз Норқобиловга учранг. Мен айтаман. У сизга шелуха сотади, — деди ҳоким.

Чол ўрнидан турди. Эшик томон юрди. Тўхтади. Ортга ўгирилди.

— Агар ҳаммага сотмаса фақат менга сотгани керакмас, — деди Маматқул бобо.

Ҳоким кулиб юборди. У вазиятни англашга моҳир. Ким билан аччиқ-қайрим гаплашишни, ким билан кулиб гаплашишни яхши биларди. Раҳбарга батқовоқлик дан кўра очиқ чеҳралик кўпроқ наф келтиришига ишонади.

— Ҳа, ҳа, бу гапингизни ҳам ўйлаб кўрамиз, ерда қолдирмаймиз. Муовинимга ҳам тайинлаб қўяман. сизга ёрдам қиламиз, — деди ҳоким. Бироқ чолнинг «Мен олиб бошқалар ололмайдиган нарсанинг менга кераги йўқ», дегандай гапи ҳокимнинг кўнглида тугун ҳосил қилди. МЭЗга сим қоқди: «Лоақал деновликларга озиқ-овлоқ шелухасотинглар», деди. МЭЗдагилар бу гал ҳам «баланд»нинг фармойишларидан четга чиқолмасликларини билдиришди. Бердиев бобо айтган гап ерда қолди.

МОЙ ОҚЛАШ заводининг директори Р. Норқоболиев бу ҳақда мен ҳам суриштирдим.

— Ҳозир бир тонна омухта емнинг нархи 18—20 минг сўмга чиқиб кетди. Шелуха емдан ўн баравар арзон. Шелуха сўраганнинг кўпайгани ана шундан, — дейди Р. Норқобилов. — Бердиев бобонинг талаби — ҳақ. Биз Озиқ-овқат саноати концернига, бошқа идораларга шу масалани қўяяпмиз. Бироқ натижа — йўқ. Биз ишлаб чиқараётган шелуханинг ўн фойизини бозор фондига ажратсалар олам гулистон бўлур эди.

Энди савол туғилади: заводнинг йил бўйи ишлаб чиқараётган шелухаси қаерга кетмоқда? Вилоятдаги жуда кўп чорвачилик фермаларини озуқа билан МЭЗ таъминлаётганидан кўз юммаймиз. Бироқ жуда кўп маҳсулотни вагонлар ютиб юбормоқда. Шелуха вагонлаб бошқа вилоятларга ташилмоқда.

— Биз шу йилнинг 4-чорагида Навоий вилоятига 4 минг тонна шелуха ортмоғимиз лозим. Агар шунча маҳсулотни Навоий вилояти ёнгинасидаги Бухоро ёки Когон мой оқлаш заводларидан олганда, биз темир йўл харажатидан соқит бўлардик, — дейди Р. Норқобилов. — Ёки Фарғонадаги шелухани бижғитиб техника спирти оладиган заводга ҳам 4 минг тонна шелуха бермоғимиз керак. Мен мутахассис сифатида шелухадан кўра техника спирти ғўзапоядан олинса кам харажат сарфланишини яхши биламан. Бошқа раҳбарлар, мутахассислар бунинг мендан ҳам кўра дурустроқ тушунишади. Бироқ билганларимизга амал қилишга келганда... оқсаймиз. Сўнг Бердиев бобога ўхшаган одамлардан «сизлар Президентимизнинг айтганларини бажармаяпсизлар», деган дашном эшитиб юрамиз.

Маматқул бобо-ку шелуха сотиб олипти. Лекин «МЭЗга айтинг, бизга ҳам шелуха сотсин», деб ҳокимиятга арз қилиб келувчиларнинг қадами узилмаяпти. Ҳокимнинг барча арзгўйнинг орасига тушиб, заводга қўнғироқ қилиб ўтиришга вақти кўпми? Завод директори Р. Норқобилов табиийки, маҳаллий ҳокимият билан вазирликнинг гапи бир жойдан чиқишига интизор. Фақат директор эмас; одамлар интизор.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Бугун—Бутунжаҳон ОИТС (СПИД) касаллигига қарши кураш куни*

ДАВОСИ ТОПИЛАРМИКАН?

Тошкент шаҳар, Фарҳод кўчасидаги 12-уйда аноним хонаси очилди. У якшанбадан ташқари ҳар куни соат саккиздан ўн еттига қадар ишлайди. Аноним хонанинг вазифаси бу ерга мурожаат қилган кишиларнинг исми-шарифи, қаерда яшаши, ишлашини ёзмасдан, унинг қони таркибида орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС) касаллиги бор-йўқлигини аниқлаб беришдан иборат. Бунинг учун пул талаб қилинмайди. Фақат мурожаат этган кишига тартиб номери белгиланади, холос. Эртасига эса келиб ёки 76-23-11, 76-26-72 рақамли телефонларга қўнғироқ қилиб, қон анализи натижаларини билиш мумкин.

Республика ОИТСнинг олдини олиш ва унга қарши кураш маркази бош врачи муовини Э. Д. ЗИМИНА билан суҳбатимиз шу хасталик хусусида бўлди.

— Эльеонора Дмитриевна, кўпчиликда шундай одат бор, касалликнинг бирор белгиси пайдо бўлмагунга қадар шифокорларга мурожаат этишмайди. Сир бўлмаса айтингчи, ОИТС касаллиги қандай аломатлар билан кечади?

— Аввало шуни айтиш керакки, орттирилган иммунитет танқислиги синдроминнинг асосий манбаи айнан шу хасталикка чалинган бемор ёки унинг вирусини ташиб юрувчилардир. Ваҳолонки, тиббиёт қонуниятида бемордан кўра вирус ташиб юрувчилар хавфли ҳисобланади. Чунки уларда касалликнинг белгиси намоён бўлмайди. Шунингдек, ОИТС юққандан сўнг икки ҳафтадан тўрт ойгача хасталик белгиси намоён бўлмаслиги мумкин. Бу ҳолат ширин давр, деб айтилади. Касаллик белгилари турлича кўринишларда кечади. Бўйин, қулоқорти, энгак ва эйсаости, қўлтиқлардаги лимфа тугунлари каттаяшади. Баданда турли ўзгаришлар, терида эса йирик ярачалар пайдо бўлади. Беморнинг тана ҳарорати узоқ вақт 38-39 даражадан тушмайди, озиб бораверади. Дори-дармонларнинг нафи бўлмайди. Чунки бемор организмининг иммунитети юқкан касаллиққа қарши кураша олмайди.

— Жаҳон миқёсида бу касалликка қарши бир кунлик курашнинг белгиланиши боиси нимада?

— ОИТС касаллиги бир неча йил бурун Африка, АҚШ каби мамлакатларда тарқалганди. Ҳозир Осиё мамлакатларида тарқалиш хавфи ҳам бор. Расмий маълумотларга кўра, Африка қитъасидаги Уганда мамлакатининг Ракайя қишлоғида яшовчи 17 ёшли Юдиф Иелла исмли қиз яқинда жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига шундай мазмунда хат ёзди. «Бизнинг қишлоқда ва мен ўқиётган мактабда ОИТС касаллигига чалинмаган одам қолмади. Қишлоғимизда чиройли-чиройли уйлар кўп. Лекин улар кимсасиз, ҳеч ким яшамайди. Ўлганларни кўмиш учун қабристонда жой йўқлигидан банан плантацияларига кўмиляпти». Ўша қиз мактуб билан бирга бу хасталикдан ўлган етти фарзандининг ва набираларининг қабри устида фарёд чекаётган она расмини ҳам юборган.

— Бу мудҳиш воқеа ҳар қандай одамни ҳам ташвишга солади, албатта. Айтингчи, ОИТС бўйича республикамиздаги вазият қандай?

— 1987 йилдан буён Ўзбекистонда ОИТС вирусини юқтирган 31 киши рўйхатга олинди. Улардан айримлари чет эллик талаба ва ишчилар эди. Улар Ватанига қайтариб юборилган. Бироқ етти нафари ўзимизда яшовчилар бўлиб, яқинда уларнинг бири ҳаётдан кўз юмди. Касаллик аниқланган жойларда профилактик тадбирлар амалга ошириляпти. Ўзбекистонда ҳозирги кунда XX аср ўлати деб ном олган бу хасталикни аниқловчи 82 лаборатория, 15 та касалликка қарши кураш ва унинг олдини олиш маркази ишлаб турибди. Барча район ва шаҳарлардаги аноним хоналарда сир сақланган ҳолда текширувлар ўтказиляпти. Шу йилнинг ўзида бир миллиондан знёв анализ ишлари олиб борилди. Ачинарли ери шундаки, бу бедаво хасталикка аввало ҳаёт тарзини бетартиб ўтказадиганлар, фоҳишабозлик ҳамда гиёҳвандлик билан шуғулланадиганлар чалиниши турган гап. Шу боис ҳар ким тозалик, покизаликка амал қилиш, соғлом турмуш эгаси бўлиши олий мақсаддир.

Суҳбатдош
Абдумажид ЭРГАШЕВ,
республика «Саломатлик» маркази ходими.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

«ИСКАНДАР» ФИРМАСИ ИШ БОШЛАДИ

● Конимех районида қурилиш ва таъмирлаш ишларини бажарадиган, енгил ва юк автомобилларига техник хизмат кўрсатадиган,, шунингдек, лойиҳалаш ишларини ва меъморчилик хизматини ўз ичига олган «Искандар» фирмаси иш бошлади.

Фирма асосчиси ва президенти ишбилармон Қайирғали Искандаровдир. Яқин орада фирма жамоаси бу хизмат турларидан ташқари аҳолига намунали маиший ва маданий хизмат кўрсатиш, хўжаликларда ҳисоб-китоб ишларига кўмаклашиш дастурини ҳам ишлаб чиқмоқда. Шунингдек, фирмада ерлар унумдорлигини оширишга хизмат қиладиган Калифорния чувалчангларини кўпайтиришга ҳам киришилди. Айни пайтда хўжаликлар билан шартномалар тузилмоқда.

ХЎЖАЛИКНИНГ ЎЗ ТЕГИРМОНИ БОР

● Қизилтепа районидаги «Зарафшон» бўрдоқичилик давлат хўжалигида янги тегирмон ишга туширилди. Натижада бўрдоқибоқарлар унга ёлчиб қолишди.

Улар хўжалик маъмурияти тарқатган 20 тонна буғдойни шу тегирмонда тортиб, ун қилиб олишмоқда. Эндиликда хўжаликда мойжувоз ҳамда қўй терисини қайта ишлайдиган кичик корхона қурилишига киришилди. Ҳадемай, бўрдоқибоқарлар ўзлари семиртирган қўйлар терисидан турли пўстинлар тикишади.

Музаффар ШАРОПОВ,

• *Акс-садо*

«Асакада автомобиль туғилмоқда, номини Сиз қўйинг, муштарий!»

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ», 1992 ЙИЛ 30 ИЮЛЬ.

Тўрт ойдирки, «Ўзбекистон овози» газетаси муштарийлари «Асакада автомобиль туғилмоқда, номини Сиз қўйинг, муштарий!» сарлавҳали мақолани фаол муҳокама қилмоқдалар. Бу ҳақда газетанинг 25 август, 17 сентябрь, 29 октябрь, 18 ноябрь сонларида кўплаб мулоҳазалар эълон қилингани азиз муштарий — Сизга маълум, албатта.

Яна шуни таъкидлаш керакки, ушбу мақола ҳақида билдирилаётган фикрлар оқими тобора кучайиб, газета таҳририятига келаётган хатлар кўпайиб бормоқда. Шуни ҳисобга олиб, таҳририятга келган янги фикр-мулоҳазалар туркумини эътиборингизга ҳавола этаётирмиз.

ЕТТИ УЛЧАБ, БИР КЕСГАН МАЎҚУЛ

Ном қўйишда ҳам катта масъулият бор. Асакада чиқадиган автомобилларга шундай ном қўйиш керакки, бу ном жаҳон миқёсида жаранглор эшитилсин.

Яна ўйлайманки, ном беришда Ўзбекистонимиз ҳамкорлик қилаётган Корея, маҳсулот чиқарадиган Асака номларидан бири номини назарга олишни истардим. Яъни мен қуйидаги номларни кўзда тутаман: **«АСҚУРУЗ», «ҚУРАСУЗ», «УЗҚУРАС»** каби.

Шунингдек, Андижон районидаги Й. Охунбобоев номли давлат хўжалигида яшовчи Ғ. Мамажоновнинг Асака машиналаридан бирига эл-юртимизга кўп яхшиликлар қилган давлат арбоби Шароф Рашидов номини бериш ҳақидаги таклифини ҳам қувватлайман.

Мамасоли ТОПИЛДИЕВ.
Фарғона шаҳри.

ТУРОН ТУЛПОРИ

Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда хорижий мамлакатлар технологияларини жорий этишдан умид катта. Асака шаҳрида барпо этилаётган Корея ҳамкорлигидаги қўшма корхона автомобилсозлигимиз тараққиётида муҳим қадам бўлади. Бу ерда тайёрланадиган дастлабки кичик автобуслардан бирига **«Турон тулпори»**, юк машинасига эса **«Амир Темур»** номи берилса.

Ҳайдар ЖОНИБЕКОВ,
Жиззах, Дўстлик райони.

«ЖАЙРОН» БЎЛСИН

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилажак автомобилларга ном излаб, кўп ўйладим. Дарёлар номи билан «Норин», «Жайҳун» деб кўрдим, «Парвоз», «Чақмоқ», «Лочин» демоқчи бўлдим. Лекин охири **«Жайрон»** бўлсин, деган қарорга келдим. Чунки машина енгил ҳаракат қилса, жайронлардек югурса қандай яхши!

Ғуломжон НАЗАРОВ,
Наманган, Норин райони.

ТИНЧЛИК ЭЛЧИСИ

Тинчлик бўлса, машина ҳам яратилади, унга ярашиқли ном ҳам топилади. Бунга Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов олиб бораётган сиёсат кафолатлар яратишига ишониб турибмиз. Менга қолса, Асака машиналарига бериладиган ном уч тилда — ўзбек, рус, корейс тилларида кўзга ташланадиган тарзда чиройли қилиб ёзилса. Автомобилларга **«Жасорат», «Дўстлик», «Воҳа», «Наманга» «Чаман», «Шарқ», «Юлдуз»** каби гўзал номлар берилишини таклиф этардим.

Шуҳрат БУРИБОЕВ,
Тошкент, Сирғали райони.

«КАБУТАР» ЯХШИ

Кабутар парвозини кўрганда кўз қувониши барчага равшан. Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган биринчи автомобилга тинчлик тимсоли сифатида «Кабутар» номи берилса яхши бўларди.

Султонбой БОБОЕВ,
Фарғона, Бувайдо райони.

ЖОЙ НОМИ ТАШВИҚ ЭТИЛСА

Чет эллларда автомобиллар завод эгалари номи билан аталиши расм бўлган Қадимги Иттифоқда автомобилсозлик корхоналари давлат тасарруфида бўлгани учун у қаерга жойлашган бўлса, ўша жой номи билан аташ одатга кирган—«Волга», «Жигули», «Москвич» каби.

Агар шу анъанага амал қилинса, Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган автомобилларга **«Асака»** деб ном қўйиш маъқул. Борди-ю, қисқартма ном қўйиш зарурати туғилса — «ААЗ» (Асака автомобиль заводи)дейиш жоиздир.

Мамасоли ЭГАМБЕРДИЕВ,
Фарғона, Тошлоқ райони.

РАМЗИЙ БЕЛГИ ҲАМ БЎЛСИН

Янги машиналаримиз қушдай учқур бўлсин. Шунинг учун унга **«Семурғ»** номи берилиб, чиройли рамзий белги қўйилишини тавсия этаман.

Баҳром ОРЗИҚУЛОВ,
Қашқадарё, Қамаши райони.

• Ҳазиний таваллудининг 125 йиллигига

ОТАШЗАБОН ШОИР

Зиёвуддин Каттаҳожи ўғли Ҳазиний XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида яшаб, ижод этган истеъдодли ўзбек шоири ва ҳофизидир. У 1867 йилда Қўқон яқинидаги Катта Кенагас қишлоғида деҳқон-руҳоний оиласида туғилди. Отаси Каттаҳожи ҳам яхшигина шоир эди.

Ҳазиний илму урфон, шеърият ва санъат оламига Қўқон ва Тошкент адабий муҳити таъсирида қадам қўйди.

Ҳазиний шеъриятнинг лирик қаҳрамони сўфийлик йўлига кирган, аммо бу йўлда кўп вақтини беҳуда ишлар билан ўтказган, имонсиз замондошларининг ярамас феълидан афсус-надомат чекувчи, давр носозлигидан кўнгли зада орифдил инсондир.

Бунинг бош омили Туркистон халқининг чоризм мустамлакаси остида ҳар томонлама эзилиши миллатдош зиёли қатламнинг маънавий таназзулга юз тутгани эди.

Ҳазиний ғазаллари, мурабба ва муҳаммаслари ғоя ва шакл жиҳатидан халқчиллиги учун ҳам эл орасида катта шуҳрат қозонди. Унинг бутун бошли мероси қўшиқ қилиб айтилади. «Тонг отқунча» радифли ғазали шоирга қўйилган ўзига хос ҳайкалдир. Асримиз бошида турли тўпламларда шоир шеърлари эълон қилинган. Девони эса, ҳозирча топилгани йўқ. 1992 йилда «Ёзувчи» нашриёти томонидан ҳозирги жорий алифбода Ҳазинийнинг «Тасаддуқ, ё расулуллоҳ» номли китоби чоп этилди.

Халқимиз ўзи эътироф этган фарзандларини, истеъдодларини ҳеч қачон унутмайди. Бугун Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги Катта театрда Ҳазиний таваллудининг 125 йиллигига бағишланган тантанали кеча ўтказилади.

ҲАЗИНИЙ

Ғазаллар

Кимда дард йўқтур, билинг, ҳаргиз давони истамас,
Кўрса Луқмони агар, андин шифони истамас.

Тушса ҳам кимни дилиға заррае ишқ ўтидин,
Тарк этар ҳою ҳавас, ғайр аз худони истамас.

Ҳақ Расулнинг пайравида бўлмаса, уммат деманг,
Рўзи Маҳшарда шафоат Мустафони истамас.

Адлиға заби айлади вақти халофатда Умар,
«Жомиъ ал-Қуръон» ўшал кони ҳаёни истамас

Ул Алишери худо Дулдулсувори лофато,
Шаҳсувори арсайи Ҳайбаркушони истамас,

Ҳақ канизи эрдилар, Заҳро ўшал олийҳасаб,
Мустафони қизлари Хайруннисони истамас.

Бул Ҳазиний кўнглида ихлоси ул майхонадин,
Дўзах ўтиға ўшандоғ мубталони истамас.

* * *

Қоматингни кўрсатиб, ёр этдингу раҳм этмадинг,
Ман ғарибга суҳбатинг бор этдингу раҳм этмадинг.

Ваъдалар айлаб дединг, доим санго айлай вафо,
Аҳду паймои синдуруб, хор этдингу раҳм этмадинг.

Дилдаги ҳасратларимни айтмоқа ҳамдард йўқ,
Манга мунча жабр ила кор этдингу раҳм этмадинг.

Ибтидоий кўрганимда илтифот этмай, яна
Чулғамоққа анқабут, тор этдингу раҳм этмадинг.

Неча муддат ошиқликни бажо айлаб, яна
Эмдиликда на сабаб! Зор этдингу раҳм этмадинг.

Дор айлаб Мансури Халлождек остурмоқа,
Бу жудолик риштасин, дор этдингу раҳм этмадинг.

Нуқтадонлар токи билсун деб Ҳазиний ҳасратин,
Аҳли дониш масканин, тор этдингу раҳм этмадинг.

* * *

Сиз ани одам деманг, кўнглида ҳиммат бўлмаса,
Балки имони хатарлик, анда ғайрат бўлмаса.

Кимки коҳилдур, билинг, ҳамду санода хордур,
Мўъмину содиқ эмас ул, танда журъат бўлмаса.

Қони бўлса қатра найсон ғар, садаф дур бўлғуси,
Бадниҳоде қолғуси, анда қаноат бўлмаса.

Ҳотами Той кофир эрди, куймади дўзахда, бил,
Куйдурур эрди эгам, анда саховат бўлмаса.

Фоний дунёдин лаҳадга дастҳоли бормагил,
На қилур ҳолиқ сани, туҳфанг ибодат бўлмаса.

Жон берар вақтида шайтондин ўзинг қил эҳтиёт,
Бандалик номинг ғалат, имон саломат бўлмаса.

Халқ аро расво бўлубман деб, Ҳазиний, ғам ема,
Етмагай ҳеч ким саломатга, маломат бўлмаса.

* * *

Ҳижрон ўтиға бағрим сўзона тонг отқунча,
Ўртаб юрагим, жисмим бирёна тонг отқунча.

Ман Вовиқу Узро сан — васлингга етолмасдин
Ҳар кеча қароргоҳим остона тонг отқунча.

Раҳм айла бу ҳолимға, эй кўзлари хуморим,
Ҳажрингда бу кўнгуллар вайрона тонг отқунча.

Ҳеч кимга деёлмасман бу арз ила ҳолимни,
Қонга жигарим тўлди гирёна тонг отқунча.

Хилватда агар кўрсам, сирримни баён айлаб,
Сан бирла бўлай анда ҳамхона тонг отқунча.

Ахшомда жамолингни шаъмини мунаввар қил,
Айтай санга ҳолимни, парвона тонг отқунча.

Найлайки, иложим йўқ, ҳар кўчада йиғларман.
Тор ўлди Ҳазинийга Фарғона тонг отқунча.

Мухаммас

Кимки ҳаққа бандадур, фармонидин айрилмасун,
Кеча-кундуз тоати субҳонидин айрилмасун.
Барча мўъмин раҳмати раҳмонидин айрилмасун,
Пайрави Аҳдам — шафоат конидин айрилмасун,
Жон берарда гавҳари имонидин айрилмасун.

Ҳақ таоло деди дўстим тун-саҳар бедорни,
Ваъда қилди онлара жаннат ила дийдорни,
Ҳақ суяр, қилса саховат банда ҳарна борни,
Раҳматидин бенасиб этгай чу дилозорни,
Тонгла роҳат истаган эҳсонидин айрилмасун.

Бу жаҳонга ким келибдур, бўлмасун бахти қаро,
Ушбу иллатга кишини қилмасун ҳақ мубтало,
Бу касал ҳаргиз тузолмас, доруси йўқ, бедаво,
Суд йўқ, кўкдин тушиб Исо анго қилса дуо,
Раҳмати ҳақ доимо инсонидин айрилмасун.

Одам ўғлиға ажал келгунча юргай бехабар,
Охиратни ўйламас, кўнглида йўқ хавфу хатар,
Моли дунёни йиғуштурган билан ташлаб кетар,
То қиёмат тонги отқунча ҳамон гўрда ётар,
Ҳасрато бирла ўтуб, хандонидин айрилмасун.

Ёру дўсту ақраболардин жудо қилган фироқ,
Ҳасрату андуҳ билан қаддим дуто қилган фироқ,
Барчани ҳоки мазаллат ичра жо қилган фироқ,
Бир-биридан ажратиб соҳибазо қилган фироқ,
Бу Ҳазиний, доимо суйгонидин айрилмасун.

• «МУСТАҚИЛЛИК—МЕНИНГ ИФТИХОРИМ» ФОТОКОНКУРСИГА

Қувончимиз чексиз. С. МАҲКАМОВ олган сурат.

Ўзбекистон овози

ХАРЧИНОМА

ТОШКЕНТДАГИ

10-автомобиль таъмирлаш заводи

Келишилган нархларда:

1. ГКБ-1818М АҒДАРМА МАШИНА ТИРКАМАЛАРИ (САМОСВАЛ ПРИЦЕПЛАРИ);
2. ТАС-8944 ПАХТА ТАШУВЧИ УНИВЕРСАЛ АВТОПРИЦЕПЛАР;
3. ГАЗ-51, ГАЗ-52, ГАЗ-53 АВТОМАШИНАЛАРИ ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРИ

СОТАДИ

ШУНИНГДЕК, КОРХОНА «КамАЗ» ДВИГАТЕЛЛАРИНИ КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ БАЖАРАДИ ҲАМДА ГАЗ-52, ГАЗ-53, ЗИЛ-130 АВТОМАШИНАЛАРИГА

СИҚИҚ ГАЗ БАЛЛОНИ ҚУРИЛМАЛАРИНИ ЎРНАТИБ БЕРАДИ

ҚОРХОНА МАНЗИЛГОҲИ: 700034. ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ДАДАБОЕВ КЎЧАСИ, 64-УЙ. 10-АВТОРЕМЗАВОД. ТЕЛЕФОН: 48-51-11; 48-51-93.

ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ ШЎЪБАСИ ХАБАР ҚИЛАДИ

МИЛИЦИЯ ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИГИ ҚЎРИГИ

Ўзбекистон пойтахтида бошланган кенг кўламли «Комплекс» операцияси тобора авж олиб бормоқда. Бу операция оператив соқчилик, профилактика хизматларининг, милиция бўлинмалари кўп қиррали фаолиятининг барча йўналишлари учун ўзига хос кўрик бўлиши керак.

Операция штабидан хабар қилишларича, ўтган беш кун ичида оператив—қидирув гуруҳлари 276 та жиноятни, шу жумладан кўплашиб содир этилган 57 жиноятни фош қилдилар. Жиноятга даҳлли бўлган 280 киши қўлга олинди, 74 та қурол мусодара этилди.

Чилонзор районида 7-ўрта махсус ҳунар-техника билим юртининг икки ўқувчиси таловчилик қилаётган пайтда ушланди, улардан ўзлари ясаган тўппонча ва иккита ўқ тортиб олинди. Бу районда ҳужжатларни текшириш ва одамларни кўздан кечириш чоғида «Бинокор» кичик корхонаси ходими ёнидан 48 грамм наша топилди.

726 киши майда безорилик учун ушланди, 182 ҳайдовчи транспорт воситасини кайф билан бошқаргани учун жавобгарликка тортилди.

(ЎзА).

• Луқма •

БЕКОР ТУРГАН ТАКСИДАН НЕ ФОЙДА?

Тошкентнинг серқатнов кўчаларида йўловчилар эрталаб ишга кетолмай, кечқурун уйларига етолмай гаранг бўлишяпти. Баъзан увадаси чиққан автобуслар-у, ичидан тутун бурқсиб турган трамвайларгача йўловчиларни манзилига олиб бориб қўйишга ожиз. Кийимлари тугмаларидан ажраб қолишни хоҳламаганлар бекатларда бўшроқ транспорт келишини кутиб вақтларини бекор ўтказаётганини кўриб ачинасан киши. Аммо бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

...Олой бозори бекатида ҳар куни содир бўлаётган манзара кишини таажжубга солади. Йўловчи кўплигидан тарс ёрилай деб турган икарус қийшайиб келиб тўхтайди. Машина кутиб турган йўловчилар ўзларини автобусга уришади.

— Кира ҳақи икки сўм бўлгани майли-я, автобуслар сони тобора камайиб кетяпти, — деб нолийди йўловчи отахон.

— Ҳой, биродарлар, эшикни қўйиб юборинг, ёпиб олай, — фиғони чиқади ҳайдовчининг.

Тошкентдек шаҳри азимда одат бўлиб қолган бу манзарага лол қоласизу, йўл четида турна қатор бўлиб турган такси автомашиналари диққатингизни тортади. Ажойиб манзара: бир томонда ур-йиқит бўлса-ю, иккинчи томонда йўловчилар оғирини енгил қилиши мумкин бўлган ўндан ортиқ транспорт воситаси бўш турса.

Машинасини қантариб қўйиб, сигарет чекиб турган 5-таксопарк ҳайдовчиси Ваҳобжон ака Раҳмонбердиев билан суҳбатлашдик.

— Эй, оковси, бекор турсанг бекор ишла, деган мақол бизга келганда ўтмай қолди. Салкам бир соатдан бери қоққан қозиқдек турибмиз. Мижоз йўқ. Ўтириши билан 16 сўм урадиган машинага чиқадиган бойваччалар камайиб кетяпти. Илгаригидек мижоз қидириб бўлмайди, бензин бекор сарфланиб, коэффицентга таъсир этади. Режа отнинг калласидек—8 соатга 2600 сўм. Аранг 1400—1500 сўмга етяпти.

— Бир кунда 14 соат ишлаб, 4300 сўм топширишим керак, — дейди шу таксопарк ҳайдовчиси Ўлмас Ҳайдаров. — Аммо 2500—2600 сўмга аранг етмоқда. Счетчиклар ҳамон эски тариф билан ишлайди, ўн сўм кўрсатса, 400 сўм олишим керак. Шунча пул тўлаб манзилига борадиган азамат қани? Шунақа гаплар...

Қантариб қўйилган таксилардан Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш ишлаб чиқариш бирлашмаси қандай фойда кўраётганикин!

П. НИШОНОВ.
ЎзА мухбири.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

• ЖАМОЛ КАМОЛ ИЖОДХОНАСИДА.
• ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА КЎРА: «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» ВА УНГА ЗАМОНАВИЙ ШАРҲ
• «БОЛА ЎҒРИЛАРИ» (СУД ОЧЕРКИ)
• «КАТТАЧИЛИК ҚУРСИН» (ФЕЛЬЕТОН).

«ТИМАРТ» ТИЖОРАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ

1993 йил учун корхоналар, ташкилотлар ва бошқа манфаатдор муассасалар билан барча турдаги металл-прокатларини етказиб бериш юзасидан Шартнома тузади. Баҳоси олиб келинган кун ва келишилган муддатга биноан бўлади.

Тўловлар Ўзбекистон Республикасининг Узинбанки ва унинг Урганч, Андижон, Нукус ва Москва шаҳарларидаги филиаллари орқали амалга оширилади.

Шунингдек, «ТИМАРТ» фирмаси маълумотли ва ишбилармон ёшларни ҳудудий вакилликларига ишга таклиф этади.

Тошкент шаҳридаги телефон рақамларимиз: 91-02-32.

Телетайп: 116134. «Кардан».

Манзилгоҳимиз: 700005, Тошкент, 8 Март кўчаси. 57.

«Ўзэнергоназорат» ишлаб чиқариш корхонаси томонидан 1989 йил 17 ноябрда Б. Орифжонов номига берилган 117 номерли йўқолган шахсий ҳужжат

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

КИЧИК КОРХОНАЛАР БОШ БУХГАЛТЕРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«АСҚАР» ФИРМАСИ

Бухгалтерлар ва иш юритувчилар учун замонавий техникани таклиф этади.

— Ўзимизда кўплаб ишлаб чиқарилган арзон шахсий компьютерларни сотамиз.

— Машиналарга бир йил мобайнида бепул хизмат кўрсатишга кафолат берамиз.

— Бухгалтерлик вазифаларини ҳал этишда, хотирада олиб қоладиган ёзув машинкалари ва кўпайтириш техникаси сифатида компьютердан фойдаланишга ўргатамиз.

«АСҚАР» фирмаси телефони: 77-34-27.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон жумҳурияти Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзмевасабзавотузумсаноати» концерни жамоаси концерн раисининг муовини М. К. Камоловга рафиқаси

Саодат Нигматовна КАМОЛОВАнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзплодоовощчвинпром» мева-сабзавот ва узумчилик Давлат кооператив концернига қарашли «Узплодоовощчимэкс» ташқи савдо фирмаси концерн раисининг ўринбосари М. Камоловга рафиқаси

Саодат КАМОЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг қариндош-уруғлари, оила аъзолари, ёру-биродарларига чуқур таъзия изҳор этади ва ҳамдардлик билдиради.

Жиззах вилояти Ғаллаорол районидаги «1-Ғаллаорол» давлат хўжалиги маъмурияти хўжалик агрономи

Ахберди ЗИЁТОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг қариндош-уруғлари, оила аъзолари, ёру-биродарларига чуқур таъзия изҳор этади ва ҳамдардлик билдиради.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43, 32-53-16, Вилоят мухбирлари билан ишлаш — 33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими— 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда—3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда —35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-89, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича — 33-76-04, вилоят бўйича — 32-26-70.
Навбатчи муҳаррир: Ҳ. НОСИРОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ: 700083. Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди—20.20. Г—512. № 236 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.